

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 5 январь, пайшанба №3 (21.766.)

Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Польша Республикаси Президенти Лех Валенсаннинг таклифига биноан 1995 йил 11-12 январда расмий ташриф билан Поляда бўлади.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган тадбиркорликни ривожлантириш

га бағишланди. Уни вилоят ҳокими А. Тошкенбоев бошқарди. Йиғилиш иштирокчилари тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги йилдаги тадбирларни белгилаб олиш

ди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. А. Чжен йиғилишда нутқ сўзлади.

Пардабой **ТОЖИБОЕВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кичик корхона

ОВУЛДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Эллиққалъа туманидаги «Москва» жамоа ҳўжалиги ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш режаларини ошириб адо этмоқдалар. Ҳўжаликнинг даромади йил сайин ортиб бормоқда.

Реймбой **ЕШИМБЕТОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ НУРХОНАСИ

Қарши даштининг қоқ марказида, қадимий Оловиддин тепалиқлари сарҳадида Осиёда энг йирик нурхона қад кўтармоқда. Бу Талимаржон ГРЭСидир. Собик Иттифоқ парчаланиб кетган бу ерда иш тўхтаб қолиши эҳтимолидан холи эмас эди. Лекин аксинча иш жадаллашди, суръат ўсди. Айни пайтда нурхонанинг 1-энергоблоти қад ростлаб қолди. Унинг юраги ҳисобланмиш генератор ва қозонхона жиҳозлари олиб келиниб, монтаж ишлари бошлаб юборилди. Малакали кишилар йўқлиги туфайли бу мураккаб ишларни олиб бориш учун ГРЭС маъмурияти «Мосэнергомонтаж» курилиш ташкилотининг муҳандис-техник ходимлари ва монтажчилари билан шартнома тузди.

Бизнинг вазирамиз ГРЭСни бунёд қилиш баробарида давлатимиз учун малакали мутахассислар, ҳунарли йигит-қизлар тайёрлашдан иборат, -- дейди ГРЭС бошлиғи Абдурауф Бозоров, -- Москвадан келиб ишлаган курувчилардан иш ўрганишни ташкил қилганмиз. Бошқарманинг Ражабали Ҳўжамуродов бошчилик қилаётган 4-участка курувчилари меҳмон ҳамкасблар билан узвий алоқада бўлган ҳолда иш юритишяпти.

Биз участка бошлиғи Ражабали Ҳўжамуродовнинг ўзи билан ҳам суҳбатлашдик.

Мен раҳбарлик қилаётган участка ГРЭС курилишидаги асосий ишларни удаламоқда. Асосан, бош корпус курилиши бизнинг зиммамизга юклатилган, -- дейди участка бошлиғи.

Ражабали ака етук мутахассис, тажрибали муҳандис. Ҳатто, Москвадан келган муҳандислар билан ишлашда ҳам унинг тажрибаси қўл келмоқда.

Шу кунларда 1-энергоблотидаги барча монтаж ишларида 4-участка курувчилари иштирок этишяпти. 59 метр узунликдаги генераторнинг 60 метрли пойдеворини мукамал лойиҳа асосида ўрнатишни, сувни ҳайдаб берадиган курувчиларнинг металл пойдеворларини ясашни, электр жиҳозлаш ишлари билан боғлиқ ўнлаб мураккаб ишларни ана шу участканинг қўли гул бунёдкорлари бажаришмоқда.

Бош корпус курилиши билан шуғулланадиган участка курувчиларининг хато қилиши, сифатсиз ишлаши мумкин эмас. Чунки кунлик қилинган иш қаттиқ текшириб борилади. Участқада ишлаётган Абдурауф Абдуназаров, Нормурод Тўраев, Владислав Южалкин бошлик монтажчи бригадалари, Уроз Аҳмедов, Абдумалик Бойтиллаев, Абдуҳалил Мейлиев, Обло Элбоев, Саёдулло Мирзаев сингари пайвандчи-монтажчилар жамоа фахри. Ишчилар шаҳарчаси -- Нуристонда маданий ҳордиқ олиш учун қулайликлар яратилган.

Улкан иншоотда амалга ошириляган ишлар қўламини тобора кенгайиб бормоқда.

Илҳом **КАРОМОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳаллий саноат

ОЛМОНИЯ ВА ЯПОНИЯГА

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Мўйқалам устасининг асарларидан тўрттаси Олмонияда сотиб олинган бўлса, янгиариклик кулчиликнинг буюмларига японлар ҳам қатта қизиқиш билан қарашмоқда.

Республика Рассоимлар уюшмаси аъзоси Ш. Бобожонов Хоразм санъати шухратини тиклашга ҳаракат қилаётганлардан бири. Яқинда у жамоатчи ташкилотлар кўмагида Олмония шаҳарлари ва Парижда ўз суратлари қўргазмасини очиб муваффақ бўлди. Қизғин шундаки, Парижда иккита, Олмонияда эса рассомнинг тўртта сурати сотиб олинди. Яқинда қишлоқда истиқомат қилувчи С. Отажонов эса кулчиликда эътибор топмоқда. Унинг яратган буюмлари хорижий қўргазмаларда қизиқиш уйғотмоқда. Янги йил арафасида С. Отажонов тайёрлаган кулчилик буюмларидан бир қанчаси Японияга жўнатилди.

Қурбон **МУҲАММАДРИЗО**.

Ишлаб чиқариш

72 ХИЛ МАҲСУЛОТ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Трикохта ишлаб чиқариш биношасига ўтган йили Украинадан 105 та тўқув дастгоҳи келтирилган эди. Булар ёрдамида саноат корхонаси ўзининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга муваффақ бўлди. Корхона тамғаси билан тайёрланаётган 72 хил маҳсулот республикамизнинг барча ҳудудлари ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатиляпти. Яқин вақт ичиде яна 100 та тўқув дастгоҳи келтирилади. Бозор иқтисодиёти шартинда корхона жамоаси маҳсулот сифатини яхшилашга, Туркия, Франция, Олмония каби давлатлар билан алоқани мустақамлашга ҳаракат қилмоқда.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



4 январь куни халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Президент, давлат, республикамизда илк дафъа демократия ва кўппартия

билан шартнома тузди. Биз участка бошлиғи Ражабали Ҳўжамуродовнинг ўзи билан ҳам суҳбатлашдик.

ятининг республикамиз иқтисодий салоҳиятида таъкидлаб, вилоят аҳлига ҳозирги ўтиш даврида фидокорона ва самарали меҳнат қилаётганлари учун миннатдорлик изҳор этди.

Шу билан бирга вилоятда қишлоқ аҳолисини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, чор-

вачиликни ривожлантириш, халқ ҳўжалигида ўтказилаётган ислохотларни кенгайтириш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорлар ижроси талаб даражасида эмаслигини қайд этди. Шунингдек, ерда ишловчиларни саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш, кўшимча иш жойлари ташкил этиш, аҳолига хусусий уй-жой куриш

учун моддий кўмаклашиш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан Навоий қон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси директори лавозимида ишлаб келаётган Ҳаёт Фафоров Навоий ви-


лоят ҳокими этиб тасдиқланди. Сессияда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди. **Суратларда: сессиядан лавҳалар.** А. Илёсов (ЎЗА) олган суратлар.



ИЛК ҚУВОНЧЛАР

Фермерлар кўндан буён орзу қилиб келаётган кичик тракторлар Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги машинасозлик заводида ишлаб чиқарила бошланди. Дастлабки 20 та трактор сирдарёлик фермерлар томонидан муносиб баҳоланди. Корхона ҳозир Бекобод металлургия заводининг йирик буюртмаларини бажаряпти. Кенг истеъмол моллари ҳам ўз хариддорларини топмоқда.

Корхонада бор-йўғи 150 киши меҳнат қиялпти. Қувватлардан тўла фойдаланилса, минг нафаргача мута-



хассисни иш билан таъминлаш мумкинлиги аён бўлмоқда. Шерик корхоналар билан алоқаларнинг мустақамланиб бораётганлиги, янгидан-янги имкониятлар изланаётгани учун ҳам бу ерда айрим корхоналарга хос хом ашё, материаллар тақчиллигига барҳам берилмоқда.

Суратларда: 1. Ўз ишининг устаси, йиғувчи Обид Мамаюнов. 2. Янги маҳсулотлар жўнатишга тайёрланмоқда.

Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Термиз шаҳрида наватдаги кимшоди савдоси бўлиб ўтди. Савдога қўйилган 20 та объектдан олтигасига харидор топилди. Савдога Термиз шаҳри марказидаги курилиши тугалланмаган мебель дўкони 19 минг сўмга сотилди. Шунингдек, «МАЗ-555», «ГАЗ-53», УАЗ-512» русумли юк автомобилларига ҳам эга чикди.

-- 1994 йилда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги қўйилган вазифаларни асосан бажардик, -- дейди республика Давлат мулкни кўмитасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Н. Остонақулов.

Шуни таъкидлаш кераки, Сурхондарё вилоятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳақиқий эгаларига топширишдек муҳим давлат сиёсати моҳиятини тўғри аниглаб етмаган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Туманларда кимшоди савдосига қўйилаётган баъзи бинолар ярқосиз, авария ҳолатида бўлишига қарамасдан, уларга жуда юқори нарх қўйилмоқда. Натижанда сотишга қўйилган иншоотларга харидор чикмапти.

Савдога қўйилган объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиши ва ҳақиқий эгасини топган, уларнинг халқимизга хизмат қилиши энг муҳим вазифа эканини унутмаслик лозим.

М. АБДУЛЛАЕВ, вилоят ҳокимининг муовини.

Чори ТўХТАЕВ, (ЎЗА мухбири).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг ўтган йил 13 сентябрь сониде «Музейдаги зилзила» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Мақола юзасидан қуйидаги жавоблар олинди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Маданият ёдгорлиқларини сақлаш бош бошқармаси:

Термиз шаҳридаги Сурхондарёнинг ўлкашунослик музейи вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бўлимининг тасарруфидеги ташкилотлардан ҳисобланади. Шу боисдан мақолада эслаб ўтилган Сурхондарё вилоят ҳокимлиги

нинг факултетида ҳолатларни ўрганиш ҳайъати бинонинг ҳавфли аҳолини кўриб чиқиб, фақат халқ ҳўжалиги, этнография ва табиат бўлиmlарининг фаолиятини тўхтатган, лекин музейни ёпиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган эмас.

Шу билан бир қаторда (хайъатнинг 1994 йил 17 май кунидеги 6-сонли қарори) ушбу юзага келган ҳолатни тузатиш ҳақида зарур тад-

бирларни белгилаган ва вилоят ташкилотларига керакли вазифаларни бажаришни юклаган.

Юқориде баён қилинган воқеа ҳақида вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлигидан ўлкашунослик музейини куриш ёки лойиҳалаштириш ҳақида ёрдам сўрамаганлиги туфайли мақолада келтирилган «ҳаражатларнинг ярмини ўз зиммасига олганлиги» ҳам ҳақиқатдан йирик.

Термиз шаҳридаги ўлкашунослик музейининг вилоят ҳокимлиги тасарруфиде-

ги ташкилотлигини инobat-га олиб, агар Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлигига амалдаги тартибларга мувофиқ ёрдам сўраб мурожаат қилса, Вазирлик ўз имкониятлари даражасида кўмак бериши мумкин.

А. РАҲМОНОВ, Бош бошқарма бошлиғи муовини.

... **Сурхондарё вилоят ҳокимлиги:**

Рўзноманинг 1994 йил 13 сентябрида эълон қилинган «Музейдаги зилзила» сар-

лавҳали мақоласи бўйича куйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳақиқатан ҳам, 1994 йилнинг 2 майдаги зилзиладан вилоят ўлкашунослик музейи биноси кучли таловфат кўриб, ҳозирда у томошабинларни қабул қилиш имконига эга бўлмасдан қолди. Вилоят ҳокимлиги музейининг вақтинчалик ҳолатини, ундаги бой ва бебаҳо экспонатларни сақлаш мақсадида таъмирлаш ишлари учун 13 минг сўм ажратди. Албатта, бу маблаг билан музейдаги аянчи аҳолини ўнглаб бўлмайди. Ундаги аждодларимиз ўтмиши ҳақида ҳўқча қилувчи бебаҳо ёдгорликлардан кенг жамо-

атчиликни баҳраманд этиш мақсадида Термиз шаҳри ҳудудиде музей учун янги бино куриш зарур, деган хулосага келдик. 111 миллион сўмлик курилиш -- монтаж ишлари бажарилиши лозим бўлган музей биносининг лойиҳа ҳўжатлари тайёрланмоқда. Курилиш ишларини 1995 йилнинг биринчи чорағиде бошлаб, Термиз шаҳрида тугалланмаган 2000-йилгача тугаллашнинг зарур чора-тадбирларни кўрилатири.

М. АБДУЛЛАЕВ, вилоят ҳокимининг муовини.

